

BOBOTOG' TONGI

Сизлар биз учун аввало муқаддас она, азиз Ватан, оила тимсоли, битмас-туганмас меҳр, эзгулик ва куч-гайрат манбаидирсиз...
Ш.Мирзиёев

2021 йил «ЁШЛАРНИ Қўллаб - қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»

Биз юртимизда қандай ислохотларга қўл урмаймиз, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-гайратингиз, азму шижоатингизга суйнаймиз...

Ш.МИРЗИЁЕВ

Кўнгилавларни шод этиб...



Аёл...

*Бу зотга ҳар қанча таърифлар етмас,
Аёлнинг сабрига тан берган кимлар.*

*Бугун сиз учун тилаклар битмас,
Байрам муборак, азиз аёллар!*



ЁШЛАР МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА



Барчамизга маълумки, ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу интилишлари, қobiliят ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, истиқболли гоғлари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш орқали ёшларнинг бандлигини таъминлашда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги боғичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди ва бу орқали ёшларга катта имкониятлар эшиги очилди.

Кунинча тумандаги 2-сонли касб-ҳунар мактаби фаоллар залида ҳам Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича учрашув бўлиб ўтди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Аслонов, Ўзбекистон ёшлар ишлари агентли-

ги бошқарма бошлиғи Б.Кучаров, Республика Микрокредитбанк раиси ўринбосари М.Ражабов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бўлими бошлиғи Э.Икромов ҳамда тумандаги сектор раҳбарлари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, тегишли корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 225 нафардан ортққ ёшлар иштирок этдилар.

Шунингдек, ушбу бўлиб ўтган учрашув давомида жами 31 нафар ёшлар томонидан турли йўналишда муурожаатлар келиб тушиб, шундан, 12 нафар ёшларни тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли банк кредитлари ажратилиш, 2 нафар тадбиркорлик учун ер майдонини ажратиш бериш ва бошқа 5 дан ортққ тақлифлар билдирилди.

Учрашувда, туманда ёшларнинг уй-жой таъминоти, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, таълим олишга ва касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишлари юзасидан билдирилган тақлиф ва муаммолар батафсил тингланди. Тегишли соҳа мутасаддиларига бу борада кўрсатмалар берилди.

**Ў.РАЖАБОВ,
Халқ депутатлари
Узун туман Кенгаши
қотибияти мудири**



Таъриф тавсифларга бой хилқат бўлган аёлларимиз, муҳтарама онахону мунис қизларимиз ҳар доим давлатимиз эътиборида бўлиб келган. Уларга берилган имкониятлар ва яратилган қатор имтиёзлар таҳсинга лойиқ.

Кунинча туманимизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож ва "Темир дафтар"га киритилган аёлларини 8-март-Халқаро хотин қизлар кунини муносабати билан табриклаш мақсадида "Ўзбегим" чойхонасида тантанали тадбир ўтказилди.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан бўлиб ўтган ушбу тантана маҳаллалардан ташриф бурурган пиру бадавлат онахону камтарин, камсуқум аёллар дилларига хушудлик бахш этиш мақсадида ташкил этилди.

"Бизга кўрсатилаётган бу эҳтиромдан жудаям хурсанд бўлдик,-дейди Наврўз маҳалласида яшовчи Норхол ая.-Бу эътибор учун Президентимиздан, туман ҳокимлигидан миннатдоримиз.

Тантанали тарзда ташкил этилган ушбу тадбирда туман Маданият бўлими санъаткорлари ўзларининг хушаво куй ва қўшиқлари билан йиғилганлар кўнглини шод этдилар.

Суратда: тантанали тадбирдан фотолаҳза.

К.МЕЛИКОВ

Аёл тинч бўлмас экан, оила ҳам, жамият ҳам тинч бўлмайди

Биз кўп йиллар давомида хотин-қизларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни ҳақида юксак минбарлардан мактовли гаплар айтдик. Лекин шароитлари билан камроқ қизиқдик. Кўпинча муаммолардан кўз юмиб ўтишли боис, улар йиллар давомида йиғилиб бораверди.

Аёл тинч бўлмас экан, оила ҳам, жамият ҳам тинч бўлмайди. Айниқса, келажак тарбиячилари бўлмиш қизларимизнинг соғлиги, таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятли бўлишлари юзасидан бугун қайғурмасак, эртага унинг оқибатини ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Бугун жамиятимизда ана шундай безовталиқ туйғуси устувор. Опасингиларимизнинг дилдагилари тилига чиқмоқда. Уларнинг нозик елкалари қанчалар залворларни кўтариб яшаётганликларига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Албатта муаммоларни эркин гапириш ва уларни ҳал этиш учун шароит ва имкониятлар яратилаётгани бежиз эмас. Чунки кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми - 17 миллионини ташкил этувчи хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаш, жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида қаралиб, бу борада шу пайтгача бўлмаган мутлақо янги тизим яратилмоқда.

Охириги тўрт йилда бу борада 2 та қонун, Президентнинг 6 та фармон ва қарори қабул қилинди. Биринчи мартта Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича кўмита ташкил этилди.

Бугунги кунда 1 минг 400 га яқин аёллар республика ва вилоятлар, 43 мингдан зиёда туман ва шаҳарлар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда.

Қизларнинг сифатли таълим олиши, касб эгаллаб, ишли бўлиши учун

катта имкониятлар яратилган. Талабаларнинг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Утган йили йўлга қўйилган тизимга мувофиқ, 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Аёлларнинг тадбиркорлиги, ташаббуслари қўллаб-қувватланаёти. Утган йили 585 мингга яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган, 36 мингдан ортққ аёллар касб-ҳунарга ўқитилган.

Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва манзилли ҳал этиш мақсадида "Аёллар дафтари" жорий этилди. Ушбу дафтарга, 9 та мезон асосида 433 минг нафар хотин-қиз киритилиб, электрон база шакллантирилди. Бугунги кунгача уларнинг 80 мингнинг муаммолари ҳал этилган.

Яқинда давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган йиғилишда аёлларни иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва психологик ёрдам қамровини кенгайтириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Энг оғир, мураккаб масалаларимиз аёллар бўйича. Халқимизнинг талаби ўсиб бораёпти. Биз шу талабларга муносиб шароит яратиш беришимиз керак. Буни чуқур ҳис қилмаган одам раҳбар бўлиб ишолмайди, - деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда ҳокимлар ва сектор раҳбарларига "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш, тикувчилик,

хунарандчилик, қасаначилик, паррандачилик ва экин майдонларидан ер ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, 70 мингга яқин хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш учун Халқ банки орқали 2 триллион сўм кредитлар йўналтирилди.

- Олий маълумоти бўлишини истоган, қобилияти, билими бор, лекин тақдир тақозоси билан орзусига эриша олмаган хотин-қизларни рағбатлантириш тизими жорий қилинади. Яъни, ота-онанинг беридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг шартнома тўлови ҳокимлик ва олий ўқув юрти ҳисобидан қоплаб берилди. Бу янги тизим. Илгар бундай қилолмасдик. Энди имконият бор, - деди Президент.

Йиғилишда аёллар саломатлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда, айниқса, чекка хуудларда тиббий хизматлар сифати талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Мисол учун, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида туғиш ёшидаги аёлларнинг 30 фоизидида камқонлик аниқланган. Бундан ташқари, хотин-қизлар ўртасида нафас олиш, хазм қилиш аъзолари, юрак-қон томир тизими касалликлари ҳам кўп.

Шу каби тиббий ёрдамга муҳтожлиги аниқланган 44 минг нафар хотин-қизларни алоҳида назоратга олиб, тиббий бригадаларига бириктириш, тор доирадаги шифокорларни жалб қилган ҳолда, уларни даволаш бўйича топшириқлар берилди.

Жорий йил якунига қадар қарийб 9 миллион аёлни чуқурлаштирилган

тиббий кўрикдан, жумладан, саратон скринингдан ўтказиш вазифаси қўйилди. Онкологик касалликларни профилактика қилиш мақсадида 323 минг нафар қизлар одам папилломаси вирусига қарши эмлангани айтилди.

Эҳтиёжманд аёлларнинг даволашни учун ҳар йили Хотин-қизлар жамғармасига қўшимча 30-50 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Муаммолар муҳокама қилинар экан, уй-жой масаласи албатта ўртага чиқади. Чунки оилавий ажралишлар, ишсизлик, етишмовчилик оқибатида уйга муҳтож бўлиб яшаётган аёллар ҳали ҳам кўп. Давлатимиз раҳбари буни чуқур ҳис қилади ва доим уларга муносиб шароит яратишни назарда тутди. Сўнги йилларда минглаб муҳтож аёлларга янги турар жойлар топширилди. Қолаверса, кам таъминланган хотин-қизлар уй олиши учун бошланғич бадал пулини тўлаб бериш тизими жорий этилган.

Видеоселектор йиғилишида бу долзарб масала бўйича қўшимча чоралар белгиланди. Вақтинча нотурар жойларда истикомат қилаётган аёлларни уй билан таъминлаш учун ҳар бир худудга 10 миллиард сўмдан, отасидан айрилган муҳтож қизлар манфаати учун 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилиши айтилди.

Бу режа ҳамда вазифаларни амалга ошириш парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Биз маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими фаоллари билан ҳамкорликда хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ва уларнинг амалий ечимларини топишда ташаббускор бўлишимиз шарт.

**Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси**

ОБУНА МАВСУМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Азиз газетхон!

Маълумки, туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, sanoat, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар жараёнлари, эришилаётган ютуқлар, таълим ва тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорлик, ёшлар сиёсати, ўз ўзини бошқарин органлари фаолиятига доир, аҳолининг бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлиги учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақидаги мақолалар, янгилик ва хушхабарлар Халқ депутатлари туман Кенгаши «Боботог тонги» ижтимоий-сиёсий газетаси саҳифаларида доимий равишда ёритиб келинмоқда. Газета халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлида туманимизда олиб борилаётган амалий ҳаракатларни фуқароларимизга тарғиб этиш йўлидаги эзгу ишларни келгуси йилда ҳам изчиллик билан амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Сизлар билан ҳамкорлигимизни қадрлаган ҳолда 2021 йил учун обунани бўлишни унутманг!



обунани бўлишни унутманг!

Обуна мавсумини муваффақиятли ўтказишда сизнинг жамоангиз ҳам фаол қатнашадиган, деган умиддамиз. Газетамизнинг йиллик обунани баҳоси муҳарририятда 156 000 сўм деб белгиланган.

**«Боботог тонги» газетаси
ҳисоб рақами қуйидагича:
АТ Агробанк МФО 00341 ҳ/р
20210000300430090001, ИНН (стир)
201067701**

Суд тизимидаги янгиликлар

Жорий йилнинг 12-13 январь кунлари давлатимиз раҳбари томонидан суд тизимини такомиллаштиришга оид бир қатор Қонунлар ва Фармон имзоланди.

Хусусан, «Суд қарорларини қайта кўриш институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-663-сон, 12.01.2021 й.) Президент томонидан имзоланди.

Қонун билан Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришларга кўра, ишларни назорат тартибида кўриш инстанцияси тугатилди.

Инвестициявий низолаар ва рақобатга оид ишларнинг иқтисодий судларга тааллуқли эканлиги белгиланди.

Ишлар инвестициявий низо бўйича йирик инвесторнинг, рақобатга оид иш бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра Олий суд томонидан кўрилади.

Прокурорларнинг барча иқтисодий суд мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи бекор қилинди. Эндиликда прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки прокурор-

нинг даъво аризаси билан кўзғатилган ишлардагина иштирок этиши мумкин. Бизнес омуздманга ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни бериш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, Олий суд судьяси кассация шикояти бўйича иқтисодий суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли эканлиги белгиланди.

Назорат инстанцияси бекор бўлган бўлса-да, кассация тартибида кўриш бекор қилиниб, апелляция инстанцияси жорий этилди.

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги, асослангилмаганлиги билан бир қаторда уларнинг адолатсизлиги ҳам суд ҳужжатини кассация тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиши белгиланди.

Кассация шикояти апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинганидан 1 йилда берилиши мумкин (илгари ҳал қилув қарори қонуний қучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин эди).

Шунингдек, манфаатдор шахслар ишларни кассация тартибида тақроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақидаги ариза билан Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари га ҳақли.

Шунингдек, манфаатдор шахслар ишларни кассация тартибида тақроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақидаги ариза билан Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари га ҳақли.

«Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-665-сон, 12.01.2021 й.) Президент томонидан имзоланди.

Қонун билан Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришларга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар эндиликда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилади.

Эндиликда фуқаролар ўз ҳисобидан маъмурий баённоманинг кўчирма нусхасини, шунингдек суд мажлислари

аудио ёки видеоёзувини олишга ҳақли.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор устидан маъмурий баённомани тузган орган томонидан ҳам шикоят берилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни назорат тартибида кўриш бекор қилиниб, апелляция инстанцияси жорий этилди.

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги, асослангилмаганлиги билан бир қаторда уларнинг адолатсизлиги ҳам суд ҳужжатини кассация тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиши белгиланди.

Кассация шикояти апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинганидан 1 йилда берилиши мумкин (илгари ҳал қилув қарори қонуний қучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин эди).

Шунингдек, манфаатдор шахслар ишларни кассация тартибида тақроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақидаги ариза билан Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари га ҳақли.

«Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-662-сон, 12.01.2021 й.) Президент томонидан имзоланди.

Қонун билан Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришларга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар эндиликда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилади.

Эндиликда фуқаролар ўз ҳисобидан маъмурий баённоманинг кўчирма нусхасини, шунингдек суд мажлислари

«Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-662-сон, 12.01.2021 й.) Президент томонидан имзоланди.

билан Маъмурий суд ишларини юретишда назорат инстанцияси тугатилди.

Бизнес омуздманга биринчи инстанция судининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонуний қучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти тақдим қилиш ҳуқуқи берилди.

Апелляция шикояти қарор қабул қилинганидан бир ой муддатда берилиши мумкинлиги белгиланди (илгари бу муддат 20 кун эди).

Апелляция шикоятини иш юретишга қабул қилиш масаласини ҳал этишга оид ажрим ҳақида иштирок этувчи шахслар 3 кунда хабардор қилинади (илгари хабардор қилиш ажрим чиқарилган кунда амалга оширилган).

Кассация шикояти апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинганидан 1 йилда берилиши мумкин (илгари ҳал қилув қарори қонуний қучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин эди).

Шунингдек, манфаатдор шахслар ишларни кассация тартибида тақроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақидаги ариза билан Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари га ҳақли.

«Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-662-сон, 12.01.2021 й.) Президент томонидан имзоланди.

Қонун билан Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришларга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар эндиликда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилади.

Эндиликда фуқаролар ўз ҳисобидан маъмурий баённоманинг кўчирма нусхасини, шунингдек суд мажлислари

ГЕОГРАФИЯ ҲАЁТ ФАНИ

Ҳаётимизни ўрганадиган ва доимий равишда янги маълумотларга эҳтиёж сезиладиган фан қайси? Бу албатта, географиядир. География фанининг бошқа фанлардан фарқи замон билан ҳамнафас яшашидир.

МАРТ - ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ОЙЛИГИ

Бугунги географик рақамлар эртага бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Бу эса география фани ўқитувчисидан доимий изланишни талаб қилади.

Бугунги географик рақамлар эртага бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Бу эса география фани ўқитувчисидан доимий изланишни талаб қилади.

Бугунги географик рақамлар эртага бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Бу эса география фани ўқитувчисидан доимий изланишни талаб қилади.



Масалан, тарих фани учун ҳам мамлакатларни ўрганиш жуда муҳим. Она тили фанида эса асосан ўлкамадорлик жой номи, уларнинг луғавий маънолари ўрганилади, бу эса география фанининг топонимика бўлимига тегишlidir.

Масалан, тарих фани учун ҳам мамлакатларни ўрганиш жуда муҳим. Она тили фанида эса асосан ўлкамадорлик жой номи, уларнинг луғавий маънолари ўрганилади, бу эса география фанининг топонимика бўлимига тегишlidir.

Масалан, тарих фани учун ҳам мамлакатларни ўрганиш жуда муҳим. Она тили фанида эса асосан ўлкамадорлик жой номи, уларнинг луғавий маънолари ўрганилади, бу эса география фанининг топонимика бўлимига тегишlidir.

Матлуба ИСМОИЛОВА, тумандаги 49-умумтаълим мактаби география фани ўқитувчиси

ПОМИДОР ЖИГАРАНГ ВИРУС КАСАЛЛИГИ

Бу вирусли касаллик биринчи марта 2015 йилда Иордания ва Исроилда қайд этилган. Асосан помидор ва қалампирга зарар етказди. Вирус Тобамовирус турига мансуб, жуда тез тарқалиш хусусиятига эга. Вирус ўсимлик баргларида, мозаикаларни ҳосил қилади, баргларида ўз ҳолатини ўзгартиради, меваларда жигаранг, ажинли доғлар, мевалар рангсизланади, барглари деформацияланади.

Худди шундай касаллик аломатлари 2014 йилнинг кузида Исроилнинг Оҳад шаҳрида пайдо бўлган ва бу мамлакатда бир йил ичида жуда тез тарқалиш ҳолати кузатилган. Фаластинда касаллик аломатлари биринчи марта 2018 йил кузда кузатилган. Помидор жигаранг вирус касаллиги Исроил ва Иорданиядан бошқа Европа мамлакатларига ҳам тарқала бошлади.

Германиянинг 25 та иссиқхона майдонларида 2018 йил июль ойида аниқланди. 2019 йилда касаллик Италияда, 2019 йили ПиEMONTE минтақасида помидор экинларида пайдо бўлди ва ушбу эпифитотия йўқ қилинди. Калифорния штатида касаллик 2018 йилнинг кузида аниқланди ва Калифорния озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги департаменти томонидан йўқ қилинди.

Касаллик аломатлари помидор навига қараб, енгил ва огир бўлиши мумкин. Касалликнинг енгил кўринишида мозаикалар ҳосил бўлади, барглари ранги ўзгаради. Касалликнинг огир кўринишида эса меваларда жигаранг ажин ва доғлар ҳосил бўлиши баробарида меваларнинг саргайиб кетиши ҳамда барглари ҳолати ўзгариши мумкин.

Касаллик уруғлар, вирус билан ифлосланган асбоблар, кийимлар, механик во-

ситалар орқали тарқалади. Чанглан ш вақтида ҳам тарқалиши мумкин. Жигаранг вирус касаллигига чидамли помидор навлари шу кунгача аниқланмаган.

ТОВРФV вируси помидорга юқори даражада зарар келтириши туфайли помидор етиштирувчи Германия ва бошқа Европа иттифоқи давлатлари учун катта иқтисодий зарар келтиради.

Қарши кураш чоралари: Вирус механик воситалар орқали осонлик билан юқиши сабабли ҳар хил сиртларда, узоқ вақт терида ва кўлларда камида 2 соат, қаттиқ пластмассада камида 3 соат, шилша, алюминий ва зангламайдиган пўлтада камида 1 ой сақланади. Эпифитотия аниқланганда таъсири камайтирилганлиги сабабли иссиқхоналарни тозалаш, ўсимлик қолдиқларини йўқ қилиш, иссиқхона сиртларида ва помидор етиштириш учун ишлатилган иш курулларни зарарсизлаштириш чоралари кўрилади. Вирусни йўқ қилиш учун пластик идишлар 90 С да 5 дақиқа давомида ивителиди.

3.АЛИЕВ, 3.САЙРИДДИНОВ, А.ЖОБИРОВ, И.САЙРИДДИНОВ, туман карантин инспекторлари

ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАРНИ ОЛИШ СОДАЛАШТИРИЛАДИ

1 сентябрдан бошлаб ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш босқичмасбошқич автоматлаштирилди.

Бунинг учун "Ижтимоий химоя ягона реестри" ахборот тизими ишга туширилди, у 2019 йилнинг октябр ойидан бошлаб Сирдарё вилоятида қуйдагиларни тайинлаш ва тўлашда синодан ўтказилди.

*Бола икки ёшга тўлгунча қадар уни парвартиш қилиш нафақаси;

*14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа;

*кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам.

Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси гранти асосида бериладиган молиявий, техник ва эксперт кўмаги асосида амалга оширилмоқда. Компьютер ускуналари ва периферия қурилмаларини сотиб олиш Жаҳон банки имтиёзли кредити ҳисобига амалга оширилди.

Тизим "Электрон ҳуқуқ"нинг таркибий қисми бўлганлиги боис, ижтимоий хизматлар ёки ёрдамни тақдим этишда давлат органлари ва таъкилотлари электрон форматда ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Фуқаролар тизимда ЖШШПР бўйича идентификация қилинади:

- "Ягона реестр" АТда маълумотларни рўйхатдан ўтказишда ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номига олинган пул ўтказмалари ва очилган депозит ҳисоб вақталаридаги қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар-уларнинг розилиги билан, маълумотлар тақдим этиш мақбулиги ва ёпиқчилигини таъминлаш асосида ўрганилади;

- Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ФВВ, ПДХХ, Миллий гвардия, ДҲХ, ДБК, Мулоқоат санаяти бўйича давлат кўмитаси ўларнинг ҳамда таркибидagi таъкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва болалари "Ягона реестр" АТга ариза бера олишмайди.

Тизимнинг функционал имкониятлари босқичма-босқич кенгайтирилади. Мисол учун, йил якунига қадар ариза берувчининг оила аъзолари таркибин аниқлаш имконияти жорий этилиши керак ("ФХД"нинг ягона электрон архиви"да уларнинг ЖШШПР ўзаро ҳамкорлиги йўли билан). Шундан кейин ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун аризаларни электрон тарзда онлайн режимда бериш мумкин бўлади.

Шунингдек, ҳужжат билан қуйидаги ўзгаришлар назарда тутилган:

- биринчидан, 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ижтимоий хизматларини ва ёрдамни кўрсатишда фуқаролардан қуйидаги маълумотларни талаб этиш таъкикланади;

- Доимий яшаш учун рўйхатдан ўтганлик тўғрисида маълумотнома;

- оила таркиби, болалар сони ва уларнинг ёши тўғрисидаги маълумотнома, туғилганлик, вафот этганлик, турмуш қурганлик ва ажрашганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

- автотранспорт воситаси мавжудлиги ва унинг техник ҳолати тўғрисида;

- оиланинг (оила аъзоларнинг) расмий даромадлари тўғрисида;

- кўчмас мулкнинг мавжудлиги, кўчмас мулк ҳажми, фойдаланувда бўлган ернинг бонитети тўғрисида;

- иш қидирувчи, ишсиз, жамоат ишлари билан бандлик мақоми берилганлиги тўғрисида;

- пенсия ва нафақа кўринишидаги даромадлири, 1 ва 2 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар эканлиги тўғрисида;

- меҳнат фаолияти билан вақтинча шуғулланиш имкониятини бермайдиган касалликнинг мавжудлиги, ногиронлик гуруҳининг мавжудлиги, доимий парвартишга муҳтож оила аъзосининг мавжудлиги тўғрисида;

- банк пластик картасининг мавжудлиги, тўловлар ва ведомостларни юбориши, тўланган маблағлар тўғрисидаги ҳисоботлар, оила

аъзоларига келиб тушган пул ўтказмалари, банк пластик картаси қолдиқлари тўғрисида;

- оила аъзоларининг қимматли қоғозлар билан амалга оширган операциялари, дивидендлар олинганлиги тўғрисида;

- талабалар сафида мавжудлиги стипендия миқдори, ўқув шакли (кундузги, сиртки ўқиш тўри), (давлат гранти, тўлов контракт) тўғрисида;

- иккинчидан, кам таъминланган деб эътироф этилган шахслар ва оилалар "Ягона реестр" АТ воситасида қўшимча ҳужжатлар ва маълумотномаларни тақдим этмасдан қуйидаги хизматлар ва имтиёزلарни олади:

- Давлат мактабга таълим муассасаларида ота-оналар тўловидан озод этиш;

- мактабга таълим муассасаларида ўрнатилган миқдорларда ота-оналар тўловини тўлаш;

- умумий ўрта таълим мактабларида дарсликлар ижара тўловларидан озод этиш;

- умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун киши қишки лифти-бош бериш;

- айрим фанларни ўқишга ихтисослаштирилган умумий ўрта мактаб таълим ўқувчиларини овқатлаш харажатларидан озод этиш;

- санъат мактаблари, musiqa мактаблари, "Баркамол авлод" марказлари ва бошқа мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқиш харажатларидан озод этиш;

- кам таъминланган оилаларнинг ногирон аъзоларини протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш.

- ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида беғул махsus амбулатор ёки кундузги тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича йўланма (ордер) олиш;

- учинчидан, "Ягона реестр" АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлик тўғрисида маълумотномани ЯИДХП орқали олиш мумкин. У 12 ой давомида амал қилади.

туман Пенсия жамғармаси бўлими маъмурияти

ТАБИАТГА ЗАРАР ЕТКАЗМАНГ!

Ҳар бир фаслнинг, шу жумладан, баҳорнинг ҳам ўзига хос гўзаллиги ва таровати бор. Илқ ҳаво ва сокин ёмғирли кунлар киши дилига завқ бағишлайди. Аммо шундай хушманзара фаслда табиятга зарар етказиш ҳолатлари ҳам содир этилади.



Кўпинча атмосфера ҳавосининг ифлосланаётганидан нолиймиз. Аслида бунга мана шу ҳолатларнинг салбий таъсири катталиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Натيجида ҳаво ифлосланади. Тўпланган чиқинди ва қуриган ўтлар ёнғанда ҳосил бўлган туз таркибидан жуда кўп микдорда углерод оксиди ва бошқа заҳарли моддалар ажралиб чиқиди. Бу моддалар ҳаводан нафас олаётган жамжи тирик организмга, айниқса, инсон

ЁНГИНЛАР ТАҲЛИЛИГА БИР НАЗАР

Туман Фавқулодда вазиyлар бўлими профилактик назорати бўлими хизматлари томонидан фавқулодда ҳолат ва ёнғинлар олиб келувчи ҳолатларни бартафат этиш мақсадида шу ўтган давр мобайнида худудда мавжуд бўлган барча масканларда текширувлар ўтказилмоқда.

Текширувлар жараёнида аниқланган камчиликлар бўйича чоралар қўрилиб, фавқулодда вазиyлар ва ёнғин хавфсизлиги қондаларини бузган ёки қондаларини бузилишига йўл қўйган мансабдор ва жавобгар шахсларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилмоқда.

Туманимизнинг аҳоли яшаш жойларида носоз электр ва газ мосламаларидан фойдаланмаслик, ёнғинга олиб келувчи ҳолатларга йўл қўймайликларни ўқитиш, ёнғиннинг аксарият қисми фуқаро хонадонларида ёнғин хавфсизлиги қондаларига эътиборсизлиги ва эҳтиётсизлиги оқибатида келиб чиқмоқда.

Хурматли фуқаролар! Ёнғинни ўчиргандан кўра унинг олдини олган, ёнғин хавфсизлиги қоида ва талабларига риоя қилганимиз яхши эмасми?! Сиз қандай фикрдасиз?

Х.ҚУРБОНОВ, туман ФВВ ПНБ етакчи инспектори

Аҳолини рўйхатга олиш

Аҳолини рўйхатга олиш жараёни 2022 йилдан 2023 йилга кўчирилди. Президент Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш 2022 йил ноябр ойида ўтказилиши белгиланган эди. Аҳолини рўйхатга олиш тадбири кенг қўламли, кўп вақт ва катта маблағ талаб қиладиган тадбир бўлиб, уни ўтказиш учун 2-3 йил давомида тайёрларлик ишларини олиб бориш керак. Шу сабабли тадбирга пухта тайёрларлик кўриш ва уни сифатли ўтказиш мақсадида, Вазирлар Маъжмасининг янги қарори билан аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2023 йилга ўтказилиши белгиланди.

туман Статистика бўлими

ТЕНДЕРГА МАРҲАМАТ!

Очик ер майдони олиш истағида бўлган фуқаролар диққатига! Уzun тумани ҳоқимлиги захирасида бўлган 206-, 582-, 583-, 585к, 589-, 590-, 591-, 592к, 666к контурлар тендер танловиға чиқарилганлигини маълум қиламиз.

Жами ер майдони 54 гектар бўлиб, шундан 52 гектари лалми ва яйлов, қолган қисми бошқа турдаги ер майдони ҳисобланади. Ушбу ер майдонида фаолият олиб бориш истағида бўлган фуқаролар очик тендер танлови асосида қатнашиш имкони мавжуд.

Уzun тумани 12-умумий ўрта таълим мактаби маъмурияти томонидан 2008-2009 ўқув йилида Давлатова Азиза Норбоз кизи номига берилган U № 3898088 рақамли шаходатнома йўқолганлиги МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.

Уzun тумани Кичик Жончекка МФЙ маҳалласида жойлашган фуқаро Исмаилов Шарофат Жураевна номидagi 19:12:03:07:01:0411 рақамли турар жой Кўчмас мулк катдастри йўлма жилди йўқолганлиги МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.

туман ҳоқимлиги Ахборот хизмати

ЧОҲКАН ЗЕРИ...

Дар замони ҳозира телефон мисли обу ҳаво барои зиндагии инсон нақши босазое мебозад. Он дури касро наздик, мушкили одами равон мекунад. Ҳар касе, дар каналҳои гуногуни интернет сайругашт дорад, медонад, ки агар мақсадаш нех бошад, чи қадар маълумотҳои муҳима илмию адаби ба даст мебарорад, дӯстон пайдо мекунад, ғизои маънави мегирад.

АЗ ЗАЛИ СУД

Вале на ҳама аз ин ҳазинаи бебаҳо софидилони истифода мебаранд. Баъзеҳо бо тартиб додани шабакаҳои фахш инсон набудани худро исбот мекунад. Ин як ҷисми дурнокӣ чоема буда, ин гуна инсонро кас намедонад, одам аст гӯяд, ё ягон мавҷудоти дигар!

Соқини ки маҳаллаи ноҳияи Сариосиё Сайёдҷон Раҳматов, (ному насабҳо тағйир дода шудааст) ки миллаташ тоҷик буда, соли 1997 таваллуд шудааст, 4 июли соли 2020 аз телефони мобилиаш "Samsung Galaxy J2 Core" истифода намуда, дар шабакаи "Telegram" канали наве бо номи "Сеҳх Сурхон" ташкил намуд. Ба ғайрату матонат ва донишмандию устокиро Сайёд офарин меғуфтем, агар ин канал як воситаи тарбия ва илммуқоимӣ мебуд. Вале ҳазор афсӯс, ки ин канали фахш, яъне беодобона буди то қадом дараҷа маънаван қашшоқ будани ин ҷавонро барозони нашон медод.

Кашфӣёҷи Сайёдҷон Раҳматов (минбаъд аз номи ӯ калимаи "ҷон"-ро тарҳ мекунам, зеро он ба чунин касор мувофиқ нест) ба канали худ навор на расмҳои парнографӣ, яъне шаҳватпарастонаро ҷойгир мекард. Рӯз аз рӯз дар ин "соҳа" таҷрибаю маҳорати ӯ зиёд мегардид. Боре чашмаш ба "Азизи дилхо" ном профил афтид, ки вай аз он соқини яке аз деҳаҳои ноҳияи Узун Моҳигул Шукӯрова буду дар он сурати духтари худ Асила Муродоваро ҷойгир карда буд. Сайёд хеле моҳирона ба зери расмҳои ин духтарак суҳанҳои берун аз доираи одоброе сабт намуд. Бо ин суҳанҳои беҳад таҳқиқомез шаъну шарафи модар ва духтарро ба ҳоки сиёҳ яқсон кард.

Гоҳо Худованд ба баъзе инсонҳо ки истеъдоди ноёбро ҳада мекунад, ки ғайри қўйил шудан илоҷи дигаре надорад, Сайёди донув маккоро ҳам ба сурати шахси сеюм даромад, ба М.Шукӯрова хабар дод, ўро тарсонда гуфт, ки қадом як шахс суратҳои духтарашро ба канали "Сеҳх Сурхон" ҷойгир кардааст. Агар онҳоро зуд-

тар нобуд накунонад, дар шабакаи интернет паҳн хоҳад шуд. Ӯ ба М.Шукӯрова тақриф кард, ки ба ивази се дона расм 300.000 ҳазор сўм пул диҳад, то ки онҳо аз саҳифаи канал нобуд карда шаванд.

Ӯ худро ҳамчун ҷабрдида вонамуд карда, гуфт ки боре сурати хоҳари худӣ ўро ҳам хамин тавр карданд, ба ивази 200.000 Собрим ном шахс онҳоро нобуд кард. Онҳо хеле навиҳанвис карданд. Сайёд Раҳматови чаққон бо қасаму номаҳои худ ба он муваффақ гашт, ки М.Шукӯрова ба телефони ӯ 100 000 сўмро ба воситаи "Paynet" гузаронд.

